Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 41 (10.290).

1992 йил 27 февраль пайшанба

Баҳоси 60 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

И. А. КАРИМОВ ХЕЛЬСИНКИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 25 февраль куни Тошкентдан Хельсинкига жўнаб кетди. У Финландияда МДҲдаги бошқа давлатлар раҳбарлари билан бирга Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши якунловчи ҳужжатини имзолашда қатнашади.

1975 йилнинг август ойида имзоланган бу ҳужжат нафақат Европа қитъасида, балки бутун сайёрамизда ҳам тинчликни мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилган. Уни Америка Қўшма Штатлари, Канада, Туркия давлатларининг бошлиқлари ҳам имзолаганлар.

Якунловчи ҳужжат имзоланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолади. Ўзбекистон олдида БМТ аъзоси бўлишнинг аниқ-равшан истиқболлари очилади.

Тошкент аэропортида И. А. Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент Ҳокими А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

Тожикистон Республикасининг Тошкентга келган Президенти Р. Н. Набиев И. А. Каримов билан бирга Хельсинкига жўнаб кетди.

(ЎзА).

ЎЗХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдаги II пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят ташкилотининг партия таъсис съезди қарорларини амалга ошириш бўйича ҳаракат Дастури ва 1992 йилги бюджети тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Ушбу масалалар юзасидан ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши биринчи котиби Э. М. Рўзиев, Кенгаш котиби Н. И. Ждановлар ахборот бердилар. Пленумда ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши аъзоси, вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев нутқ сўзлади.

Пленум ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши II котиби А. Н. Носиров, Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Н. Маҳмудова ўртоқлар қатнашдилар.

БОҒЛАРДАГИ ЮМУШЛАР

МЕҲНАТГА муносабат ўзгараётган, хусусан ерга деҳқоннинг эгалик қилиши борасида эндигина амалий ҳаракатлар бошланган бир пайтда деҳқон Ҳасанбой дилига тугиб юрган режаларини хўжалик директорига айтиш учун унинг ҳузурига кирди. Боғлар қаровсизлик туфайли қуриб бораётганлиги, ҳар йили бу ерда юзлаб тонна эл ризқи бўлмиш мева-чеваларнинг нобуд бўлаётганлигини ачиниш билан гапирди. Директор унинг бу фикрини астойдил тинглагач, ҳақиқатдан ҳам боғдорчилик соҳасида жиддий муаммолар турганлигига тўхталиб «боққа ўзингиз бош бўлсангиз», деди. Шундай қилиб Ҳасанбой Анорқулов 34 гектар боққа бош ижарачи қилиб тайинланди.

Тажрибали боғбон ишни дарахтларнинг касалланган шоҳларини кесиш, девпечаклардан тозалаш, қатор ораларига ишлов беришдан бошлади. Йўлдош Исвалиев, Роҳат Худойбердиева каби боғдорчиликда яхши тажриба орттирган ҳамқишлоқларини ишга жалб этди. Ўндан зиёд оилавий звено ташкил қилди. Асосий эътибор, олманинг серҳосил навларидан янги боғлар барпо этишга қаратилди.

Кўрилган амалий тадбирлар йиллар оша ўз меваси-ни бера бошлади. Жумладан, ўтган йили соҳибкорлар давлатга режадаги 138 ўрнига 200 тоннадан кўпроқ мева етказиб бердилар. Улар маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарига, Олмалиқ савдо ташкилотига ва бошқа жойларга сотишди. Бу хўжаликда боғдорчилик соҳасида эришилган дастлабки ютуқлардан бири бўлди.

Боғбонлар айни пайтда баҳорги дала ишларини ҳам бошлаб юборишди. Дарахтларнинг тагини юмшатиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини олиб боришмоқда. Дарвоқе, улар айни қиш чилласида дарахтларни қониқтириб суғоришди. Негаки, қиш чилласида қуйилган сувнинг ҳосияти катта бўлади. Ҳа, Олмалиқ давлат хўжалиги боғбонларининг бу йилги шаштлари баланд. Улар ҳосилдорликни икки ҳисса оширишга бел боғлаганлар.

А. НАВРЎЗОВ,
Оҳангарон ноҳияси.



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қувайт молия вазири Носир Абдулла ар-Радвон бошчилигида Тошкентга ташриф буюрган Қувайт ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Қарийб икки соат давом этган суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Республикамизнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида батафсил гапириб берди.

Молия вазири, деди жумладан И. Каримов, ўз юртидаги жами бойликлар хусусида барча маълумотлардан хабардор бўлиши шарт эканини сизга айтишим нотабиий ҳол бўлади, албатта. Мен ҳам бундан бир неча йил аввал молия вазири эдим, аммо ўшанда бизда қанча миқдорда олтин ёки кумуш ишлаб чиқарилаётгани ҳақида менгина эмас, ҳатто республикамизнинг энг юқори лавозимдаги раҳбарлари ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмасдилар. Чунки ўшанда ҳам, ундан илгарилари ҳам Ўзбекистоннинг тақдири Москванинг қўлида эди.

Биз ўз тарихимизни, адабиётимизни бус-бутунича ўрганиш ҳуқуқидан маҳрум этилгандик. Она тилимиз хўрланганди. Дин, худо ҳақида оғиз очиш шаккокликкка йўйиларди. Биз бошқаларга ич-ичимиздан ҳавас қилиб, ҳўрсиниб яшардик ва мустақилликни орзу қилардик. Ниҳоят, ўтган йили халқимизнинг азалий истаги амалга ошди!

Демократия томон дадил қадам ташлаяпмиз. Кўппартиялиликка йўл очилди. Шу билан бирга иқтисодиётни мафкура таъсиридан халос этяпмиз. Республикада ишбилармонликка катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида дин ва виждон эркинлиги хусусида қонун қабул қилинди.

Бизни ер юзидаги 101 давлат тан олди. Шу йил 15 мартгача Вашингтонда Ўзбекистон, Тошкентда эса АҚШ элчихоналари очилиши мўлжалланган. Туркия, Саудия Арабистонида ҳам шу яқин вақт мобайнида элчихоналаримиз фаолият кўрсата бошлайди.

Аммо мустамлакачиликнинг асоратидан қутилиш қанчалар машаққатлилигини сизларга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: бунинг нималигини яхши биласиз.

Ҳали ўз оёғимизни кутиб турган муаммоларимиз анча. Лекин бизни шу нарса руҳлантирадики, жаҳонда бизга ўзларининг беғараз ёрдам қўлларини узатувчи давлатлар кўп экан. Мен Қувайтни ҳам шулар жумласига киритсам, хато қилмаган бўламан. Бунинг учун сизларга ташаккур билдираман. Аммо шуни ҳам таъкидлайки, ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, вақти келиб биз ҳам қарзимизни ўзамиз. Бунга қурбимиз етади, чунки бойлигимиз кўп, одамларимизнинг қўли гул, тупроғимиз сахий, ҳатто чўпни суқиб қўйсанг ҳам мева беради.

Биринчи навбатда бизга нефть етказиб берсаларингиз, Кейин айрим чет эл технологияси, масалан, мева-сабзавотни қайта ишлаб, консерва тайёрлайдиган корхоналар учун асбоб-ускуналарни харид қилишда пул бериб турсанглар. Ана шундай корхоналар тақчиллиги оқибатида етиштирилаётган ҳосилимизнинг 40 фоизи нобуд бўлаётир. Бордию, бу масалада келишиб олсак, Ўзбекистон сизларни мева-сабзавот билан таъминлашни ўз зиммасига оларди. Бундан ташқари пахта толаси ҳам етказиб беришимиз мумкин. Яна шуниям таъкидлайки, ўзбек ирригаторлари, чўлқуварлари саҳрою даштларни ўзлаштиришда жуда катта тажриба тўплашган. Мутахассисларимиз бир қатор мамлакатлардаги чўл минтақаларида ишлаб, доврўғ қозонишган. Истасангиз, уларнинг хизмати, маслаҳатидан фойдаланинглар.

Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги икки томонлама алоқалар тез фурсат ичида ривож топади деб ўйлайман.

Носир Абдулла ар-Радвон, аввало, Қувайт Амири Шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг Ислом Каримовга ва у орқали бутун ўзбек халқига дўстона салом йўллаганини айтди ва президентга амир ҳазратларининг мактубини, совғаларини топширди.

Бизнинг халқимиз ҳам, — деди Қувайт вазири, — Ироқ босқинчилари тажовузи сабаб бошидан кўп азобларни кечирди. Оллоҳга минг қатла шукурки, энди-ликда ўзимизни ўнглаб олдик. Ўзбекистон ҳам бугунги танг вазиятдан қутилиб, дунёдаги ривож топган мамлакатлар қаторидан жой олажаги аниқ.

Делегациямиз сафида турли соҳалар, шу жумладан молия-кредит бўйича ҳам етук мутахассислар бор. Биз республикангизда бир неча кун бўламиз, турли вазирликлар, муассасалар ходимлари билан мулоқотлар олиб борамиз ва шу тариқа ўзаро ҳамкорлик йўлларини қидирамиз. Ёрдамга келсак, қўлимиздан келганини аямаймиз. Амиримизнинг фикри ҳам шундай. Ишонамизки, Қувайт билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик барқарор ва мустаҳкам бўлади.

Бизни ҳозир бир муаммо қийнаяпти. Икки минг нафар фуқаромиз ҳанузгача ироқликлар қўлида асирликда сақланмоқда. Жаноб Президент, аминимизки, яқин кунлар ичида Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлади, ана ўшанда у ердан туриб шу ватандошларимиз тақдирини ҳал қилишда сиз ҳам ҳисса қўшишингизни илтимос қилардик.

Суҳбат ниҳоясида Ислом Каримов олий мартабали меҳмонга ёдгорлик совғалари топширди ҳамда ундан Қувайт Амири Шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳга ўз номидан, ўзбек халқи номидан энг эзгу тилакларини самимий салом етказишни сўради.

Суҳбатда Ўзбекистон томонидан республика молия вазири Э. Ж. Боқибоев, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов, Қувайт томонидан Қувайтнинг Москвадаги элчиси Абдул Муҳсин Юсуф ал-Дуэйж ва бошқалар иштирок этишди.

Носир Абдулла ар-Радвонни шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири А. Муталов қабул қилди ва суҳбатлашди. Республика молия Вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда эса молия вазири Э. Ж. Боқибоев ўз ҳамкасбига Ўзбекистонда молия-банк соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Қувайт давлати ҳақида қисқача маълумот. У Арабистон ярим оролида, Форс кўрфази соҳилида жойлашган. Майдони 17,8 минг квадрат чақирим. Аҳолиси 2,1 миллион киши. Пойтахти Ал-Қувайт. Ер юзидаги нефтга энг бой ҳисобланмиш бу мамлакатни 1899 йилда Буюк Британия ўз қўлига олганди. 1961 йилнинг 19 июнида Қувайт мустақилликка эришди. 1963 йилдан буён БМТ аъзоси.

1990 йилнинг августида Қувайтга Ироқ тажовуз солди. 1991 йилнинг февралида у босқинчилардан озод қилинди.

(ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ).

● **СУРАТДА:** учрашув пайти.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат (ЎзА).

ПОКЛИК ИМОНДАНДИР

26 ФЕВРАЛЬ КУНИ ТОШКЕНТДА ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ 5-ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛДИ

Мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон Республикаси инсон кўнглидаги барча эзгу ниятларни рўёбга чиқаришни ўзининг олий мақсади деб билмоқда. Жумҳуриятимизни юздан кўпроқ давлат тан олди. Улар биз билан ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини айтишмоқда. Минтақа мусулмонларининг улкан анжумани ана шундай ҳайрли кунларда иш бошлади.

Қалблари иймон-эътиқод, ўз ватанига, халқига садоқат туйғулари билан тўлган мўмин-мусулмонлар эрта тонгданоқ республикамиз пойтахтидаги Санъат саройи томон кела бошладилар. Улар орасида қардош, қўшни республикалар, Туркия, Саудия Арабистони, Ливия ва бошқа хорижий давлатларининг вакиллари бор.

Қурултой Қуръон тиловати билан бошланди. Шундан кейин Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Назаров жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Сўнгра қурултой қатнашчилари Ўрта Осиё ва Қозоғистон Диний бошқармаси ҳайъати Раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ҳисоботини тингладилар.

Анжуман кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққан дин арбоблари бошқарманинг ўтган даврдаги фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бир овоздан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ҳайъатининг раиси этиб сайланди.

Қурултой 27 февраль куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

● **СУРАТЛАРДА:** қурултойдан олинган лавҳалар.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

УМРИНГИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН

Анчадан буён тузалмаётган дардимга Металлзаводга қарашли касалхонанинг жарроҳлик бўлимида шифо топдим. Бўлим бошлиғи Мазоҳид Зокиров қўлларимдаги оғриқ сабабини аниқлаб, мени даволай бошлади. Бир неча кунда хасталикдан фориг бўлиб, уйимга қайтдим. Билишимча, М. Зокиров барча беморларга бирдай, меҳр билан муносабатда бўлар экан. Албатта табобатда меҳрнинг ўзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Энг асосийси, у кишининг шифокорлиқдаги билими, тажрибасидир.

Рўзнома орқали шифокоримга миннатдорчилик билдириб, у кишига боқий умр тилайман.

Муҳаммадбашир МИРМУҲАМЕДОВ,
Бекобод шаҳри.

• *Маҳалла ташвишлари*

ВАЪДАЛАР ҚОП-ҚОП...

ХАЛҚИМИЗДА ажойиб бир мақол бор: «Бор онангга, бор отангга». Бу нақл бир-икки йил дан бери пойтахтимиздаги «Навбаҳор» маҳалласи фаоллари бошига тушган. Сабабими?..

Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг 1990 йил 30 ноябрда 405/17-сон қарори чиқди-ю, фаолларнинг ҳаловати бузилди. Яхши ният, ярим мол деганларидек, қарорни тезроқ амалга ошириш учун идорама-идора юриш бошланди. Тўғри-да, маҳаллада олдилари боғ-роғ шинам клуб, оталар ва ёшлар чойхонаси бўлса, ёмонми?

Мана шу ширин хаёллар билан югур-югурга ҳам бир йилу уч ой бўляпти. Дам Ленин ноҳия ижроия қўмитасига, дам режалаштириш бўлимига, дам лойиҳалаштириш идорасига... Э-ҳе, шаҳар ижроия қўмитасига бешолти, ҳатто баъзи идораларга ўн мартагача ёзилди, борилди, лекин қоғозбозликдан, қуруқ гапдан нарига ўтилмади...

Ленин ноҳиясидаги 9-маҳалланинг Абу Сулаймон Баноқатий (илгариги «Весна») номли кўчанинг Сариқўл кўчаси билан туташган жойида Костровский боши берк кўчаси мавжуд. Бу боши берк кўчадаги еттита режасиз қурилган эски уйжойлар маҳалла идораси билан кооператив ошхона ўртасида жойлашган бўлиб, эни 120 метрли Абу Сулаймон Баноқатий кўча шу ерга келганда кескин торайиб кетган. Агар қарор амалга ошса, кўча лойиҳада кўрсатилганидек ҳам кенгаяди, ҳам маҳалла 0,15 гектар майдонга эга бўлади. Маҳалланинг эса 400 ўринли клуб, шинам ёзги-қишки чойхона қуриши қарорда қайд этилган. Энг асосийси, Абу Сулаймон Баноқатий кўчасининг бу тор қисмида рўй бераётган авария ҳодисаларига барҳам берилган бўларди.

Аммо... бу ишни амалга ошириш учун фаолларнинг елиб-югуришлари идора раҳбарларининг ёлғон жавоблари туфайли пайсалга солинмоқда.

— Маҳаллада бу билан ҳеч қандай иш йўқ экан-да, деб ўйлаш нотўғри бўлади, — дейди Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, 9-Навбаҳор маҳалла қўмитасининг раиси Асад Раҳимов, — хизмат кўрсатган учувчи, ҳозирда нафақачи Ғофур Орипов, Абдулла Ботиров, Ўринбой Аҳмедов сингари фаолларимизнинг фидокорлиги туфайли ҳудудимиздаги 50 фоиз хонадон телефонлаштирилди. Ҳозирча идора ёнида 40 ўринли отахонлар чойхонаси қурилди. Боғ-роғлар ташкил топди. Агар қарордаги клуб бўлганда тўй маросимлари, турли маъракалар ҳам шу ерда ўтарди.

Ҳа, хамир учидан патир деганларидек, аҳоли кучи билан кўп ишлар қилинди. Президентимиз И. А. Каримов Тошкент шаҳар маҳалла фаоллари билан учрашувда маҳаллаларни ободонлаштириш, кўркам бўлиши, бунинг учун барча тадбирларни амалга ошириш лозимлигига тўхталди. Лекин баъзи амалдор раҳбарлар, холис ниятларга тўғаноқ бўлмоқдалар. Бундан уч йил аввал маҳалладаги барча кўчалардан канализация қувурлари ўтиши, хонадонлар канализациялаштирилиши лозим эди. Аммо бу режа ҳам амалга ошмади. Биргина Евпатория кўчасигина канализациялаштирилди, холос. Қолган ишга қор ёғди.

— Ўзбекистонимиз мустақил бўлганига ҳам ярим йил бўлаяпти,— дейди суҳбатдошимиз А. Раҳимов,— афсуски, бизнинг маҳалламизда бу сезилмаяпти. Енисей, Житомир, Образцов, Подольский, Костромский, Евпатория каби кўчаларнинг номларини ўзгартириш бўйича бир неча бор таклифлар киритдик. Аммо бу ишлар ҳам ваъдалитича қолди. Ҳамма жойда бўлганидек атамачилар ҳам «хўп-хўп»дан нарига ўтмадилар.

Оҳангарондаги ноҳия рўзномасининг таҳририяти жойлашган бинонинг ёнгинасидаги хонадонда Тошпўлат исмли дўстимиз яшайди. Унинг тўққизта фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ишламайди. Болаларнинг ҳаммаси мактаб ва боғча ёшида. Ўзи эса цемент комбинатида оддий ишчи бўлиб меҳнат қилади. Иттифоқо кунигеча уни бозордан келаётганда учратиб қолдим. Жиндай дилгир, юзида чироғи пасторок, қадамлари суст эди. Боисини сўрадим.

— Эй, нимасини сўрайсиз, дўстим. Оз бўлса эплаб кўр, кўп бўлса сеплаб кўр, дейдиган замон келди. Шу десангиз уйда картошка қолмабди. Бозорга борсам килоси 6 сўмга чиқибди.

Агар ўша нархда картошка оладиган бўлсам, кейинги бир сўз билан айтганда қилинаётган барча ҳаракат, югур-югурлар зое кетмоқда. Яхши ният билан бошланган хайрли ишлар йўққа чиқарилмоқда. Маҳалладаги кўчаларнинг 90 фоизидаги номлар тушимизга ҳам кирмаган. Лекин ҳали умид учқунлари сўнгани йўқ. Ўйлаймизки, мутасадди ўртоқлар бу сафар арзимизга амалий иш билан жавоб берадилар.

Исматилла РУСТАМОВ,
хизматчи.

КАРТОШКА НЕГА ҚИММАТ?

Ўзбекистонимизда пахта экиладиган майдонлар кескин қисқаргани билан картошка экадиган ерлар етарли даражада кўпайгани йўқ. Шуйинг учун ҳам жумҳуриятда ҳар бир кишига бир йилда 15,6 килограмм картошка тўғри келади. Ваҳоланки, бу рақам ўтган йили Белорусь республикасида 757, собиқ иттифоқ бўйича эса 219 килограммни ташкил этди. Жон бошига картошка истеъмол қилиш бир йилда собиқ Иттифоқда 98, Белорусь жумҳуриятида 175, Украинада 120, Ўзбекистонда эса 24 килограммни ташкил этди.

Эсимда бор, 50-йилларда картошканинг бир килоси давлат дўконларида 55 тийиндан сотиларди, 60-йилларнинг бошида пул алмашганидан сўнг унга яна 11 тийин қўшилди. Тўғри кейинчалик картошканинг нархи анча тушиб кетди. Бозорда энг сархил картошканинг килоси 30-40 тийин, давлат дўконларида эса 18-22 тийин бўлди. Аммо ўтган йилларда Беларусь ва Украинадан келтирилаётган картошканинг йиллик миқдори 250-300 минг тоннадан кам бўлгани туфайли республикамиз бозорларида картошканинг нархи аввал икки сўмга чиқди ва ой сайин ортиб бораверди. Ҳозир эса 6 сўмдан кам эмас. Нега бундай бўлмоқда?

Собиқ Иттифоқда 6,2 миллион гектар ерга картошка экилиб, унинг ҳар гектаридан 120—140 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, Ўзбекистонда ўтган йили 30 минг гектардан кўпроқ майдонга картошка экилиб, унинг гектаридан ўртача 90—105 центнердан ҳосил олинди. Яна энг ёмони шундаки, республикамизда ҳар гектар майдонга камида 2—3 тоннадан картошка экилгани ҳолда, жумҳурият бўйича олинган ялпи ҳосил 290—305 минг тоннадан ошмаяпти. Агар республикамиз аҳолисининг ҳозирги миқдорини 20 миллиондан кўпроқ деб оладиган бўлсак, айни пайтда тиббиёт мутахассисларининг аниқ кўрсатмаси бўйича ҳар бир киши учун бир йилда 63,9 килограмм картошка истеъмол қилиниши зарурлигини назарда тутганимизда ҳам ҳар йили 1 миллион 200 минг тонна маҳсулот етиштириш талаб этилади. Аммо бор имкониятларга қарамай, ундан юқори ҳосил олинмаяпти. Ваҳоланки, картошка 70—120 кунда пишиб етилади. Қолаверса, республикамизда совуқ бўлмаган кунлар 220—230 кунни ташкил этади. Демак, Ўзбекистон шароитида бир йилда камида картошкадан икки марта ҳосил олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ижарачи жамоаларнинг айримларида (Оҳангарон ноҳияси бўйича) ўтган йили ҳар гектар ердан 25—30 тоннага етказиб картошка ҳосили олинди. Бироқ бундай жамоалар жуда озчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳозиргача Россия, Болтиқбўйи республикалари, Беларусь, Украина, шунингдек Польша, Германия, Хитойдан картошка сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Республикамизга келтирилаётган картошканинг 80—90 фоизи истеъмол учун, 10—20 фоизи эса уруғлик учун сарф этилади. Агар Ўзбекистон аҳолисининг 2000 йилга бориб 28 миллионга ўсишини назарда тутсак, унда ҳар йили жумҳуриятимиз аҳолиси учун камида 1 миллион 792 минг тонна картошка зарур бўлади.

Ўтган йили Оҳангарон ноҳиясида қилинган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, улар айтарлик қувонарли эмас. 1991 йилда ноҳия бўйича 881 гектар ерга картошка уруғлари экилиши режалаштирилгани ҳолда атиги 748,5 гектар ерга экилди, холос. Гектаридан эса бор-йўғи 63,1 центнердан ҳосил олинди. Айрим хўжаликларда картошка етиштириш ва аҳолига сотиш режалари барбод этилди. Жумладан, Собир Раҳимов номли хўжаликда режадаги 1700 ўрнига 962 тонна, «Шодималик» ижара жамоасида 800 ўрнига 217 тонна «Дўстлик» ижара жамоасида 1700 ўрнига 670 тонна ҳосил олинди. Шундай шароитда картошканинг нархи осмонга чиқиб кетиши ўз-ўзидан маълум-ку! Ҳолбуки, ноҳиядаги бу хўжаликлар фақат картошка етиштиришга ихтисослашган. Бу хўжаликларда картошка режалари барбод этилгани сабабли ноҳия бўйича 8700 ўрнига 4976 тонна ҳосил етиштирилганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ана шуларни эътиборга оладиган бўлсак, ноҳия хўжаликларида уруғлик ҳам ниҳоятда қимматга тушаётганлиги сир эмас. Лекин аксари хўжаликларнинг раҳбарлари эътирозларига қўшилиш мумкин. Жумладан, «Дўстлик», «Бирлик» ва «Шодималик» ижара жамоаларининг майдонларига ўн йиллардан ортиқ вақт мобайнида узлуксиз картошка экилиб келинмоқда. Бу ерда алмашлаб экиш жорий этилмаган. Бизнингча истеъмолбоп маҳсулотга талаб ортиб бораётган бир пайтда ҳосилдорликни ошириш учун алмашлаб экиш усулига ўтиш вақти етди.

Хўш, Оҳангаронда картошкачиликнинг истиқболлари борми? Ҳа, аввало бунинг учун сув муаммосини тезроқ ҳал этиш керак. Шимолий Паркент каналининг қурилишини тезлаштириш зарур. Паркент, Оҳангарон шаҳарлари, Собир Раҳимов номли хўжаликлардаги ортиқча кучларни ихтиёрий равишда «Дўстлик» қишлоқ шўросидаги хўжаликларга кўчириш масаласини ўйлаб кўриш лозим. Ва ниҳоят ноҳияда камида иккита хўжаликни фақат картошка уруғи етиштирадиган хўжаликка айлантириш чораларини кўриш даркор. Картошкачилик билан шуғулланувчи деҳқонларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилса, бу муаммо ижобий ҳал этилган бўлур эди.

Мўмин ҚАЮМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

МУШТАРИЙ МАКТУБИ

«ТАКСИДА ЮРМАЙ, МЕН ЎЛАЙ...»

Ишингиз қисталанг бўлиб тургандан кейин таксига чиқасиз. Ҳайдовчилари бало, шаҳарнинг ҳамма бурчакларини билишади.

Шундай қилиб, икки киши Ибн Сино мавзеидан Қўйлиққа бормоқчи бўлдик. Мен таксига қўл кўтардим. Шеригим «Қўйинг, автобусда кетармиз, яна бор пулимизни шилиб олишмасин», деди. «От-билан туянинг баҳоси бўлармиди, автобусда қачон борамиз», деб таксида кетишга кўндирдим.

Манзилга етиб келдик. Ҳисоб машинаси 12 сўм ёзди, ҳайдовчи 50 сўм олди. Кейин Қўйлиқдан Чилонзорга келдик, 7 сўм ўрнига 30 сўм бердик. Ибн Синодан Хасанбойгача 9 сўм ўрнига 40 сўм тўладик. Бир кунда 120 сўм «қулоғ»нни ушлаб кетди.

Йўлда таксичи йигитни гапга солдим.

— Э, отахон, кира ҳақи ошиб кетганлиги бизга ёқади, деб ўйлайсизми? —фиғони чиқди ҳайдовчининг.— Одамлар машинага чиқмай қўйишди. Мана, ўзингиздан қиёс: бугун таксига 120 сўм сарфладим деяпсиз. Эртага яна минасизми? Йўқ, бетинг қурсин, деб тескари қарайсиз. Баъзан кун бўйи бўш қатнайميз. Ахир, йўловчиларни қўрқитиб, ёқаларидан бўғиб, машинага ўтқизиш мумкин эмас-ку. Бу аҳволда тиркичилик ўтказиш қийин. Жонимга тегиб кетди, бўшамоқчиман.

Хуллас, ўша куни 120 сўмнинг «боши»га сув қуйиб, ичим туздек ачишиб ўйга қайтдим. Таксида юрмай, мен ўлай, шу пулга бола-чақамга егулик олсам бўлмасмиди?

Ҳар нарсани пеш қилиб қачонгача халқни шилишади?

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
меҳнат фахрийси.

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ МАВЗУИДА

ЭНДИ БУ КЎРГИЛИК БОРМИДИ?

ТАНГА-ЧАҚАЛАР ҚАЁҚҚА ҒОЙИБ БЎЛЯПТИ?

Бу ғойибона суҳбатимизнинг кун тартибида битта масала кўрилади: нима учун Тошкент шаҳри ва унинг ён-атрофида танга-чақалар камайиб кетди?

Бундан бир йилча олдин қайсидир рўзномада Озарбайжонда беш тийинлик чақалар йўқолиб кетганлиги, юлдузни бенарвон урадиган кишилар ундан аёлларнинг безакларини тайёрлашаётганликлари ҳақидаги хабарни ўқиб, кулган эдик. Қарангки, таноби қочган оғзимизни йиғиштириб олмасимиздан бошимизга қардошларимизнинг кули тушди: танга-чақалар анқонинг уруғи бўлиб қолди.

Яқинда Янгийўл шаҳрига бордим. Қайтишда Янгийўл темир йўл вокзали ёнидаги автобекатга кириб, чипта сотувчи аёлдан Тошкентга билет беришини сўрадим. У икки сўмни олиб, билет берди. Беш тийин қайтармади. Сўраганимда ҳам бермасди, тангам йўқ, дерди.

Бу Янгийўлдаги воқеа. Энди Тошкентдагисини эшитинг: метронинг Собир Раҳимов станциясида йўловчилар тирбанд. Тўхтовсиз оқиб келаётган кишиларни бир аёл ёлғиз йўлакдан ўтказяпти. Бир сўм берса майдам йўқ, дейди. Йўловчи эса шошиб турибди, қўлини силтайдию, бир сўмни ҳисобсиз бир сўм, эллик тийинларни «ютиб» юбораётган тешикка ташлайди. Қойил, метрочилар ҳам бойиш дардига йўлиқишибди-да!

Курант олдидаги нон маҳсулотлари сотадиган дўконча бор. Илгари бир сўм бериб, тўртта булочка олардим. Ҳозир учтаси тўрт сўм, 20 тийин бўлибди. Сотувчи қайтимига гижимланган трамвай билетини берди.

— Нега танга бермайсиз? — сўрадим ундан.

Сотувчи ёғи чиқиб кетган дўпписини олиб, пештахтага урди, лаблари пириллади, кўзлари қизарди. Қўрқиб кетдим, тутқаноғи бўлса-я, деб ўйладим.

— Н..нега ҳаммаларинг нервомни бузасизлар? Бу гапларингни мелиса ва шаҳар катталарига айтинглар-да. Кооперативчи деган балохўрлар ҳамма ёқни қуритишяпти-ку!

Дарвоқе, яхши ниятда ташкил этилган кооперативлар ниҳоятда ҳаддидан ошиб кетди. Бизнингча, уларнинг ишини сиғиниклаб назоратдан ўтказиш, халқ ризқига чанг солаётганларини жиноий жавобгарликка тортиш лозим. Шундагина халқ мелиса ва шаҳар ҳокимининг кучига ишонади.

Танга-чақалар қаёққа ғойиб бўляпти? Нега одамларни куппа-кундузи шилишларига йўл қўйяпмиз?

Э. ҚОСИМОВ.

Рўзномага келган хатлардан



Чирчиқ пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган ишчилар кўп. Бичиқчи Рамилья Абдулмонова ва қирқувчи Зубиер Қуртназаров шундай пойафзалчилардан ҳисобланишади. Улар смена топшириқларини 140 фоизга етказиб бажаришяпти.

Суратқаш Даврон АҲМАД.

• *Бонг урамиз!*

ЭСКИ ТОШКЕНТ қишлоқ маданият уйи Т. Охунова номли 27-ўрта мактабдаги қўшимча синфхоналарига жойлашган. Район ижроия қўмитасининг собиқ мутасаддилари буйруғи билан 4 хонали бино маданият уйига ажратиб берилди.

Қишлоқдагилар: «Ишдан бўш вақтларимизда энди кўнгилдагидек маданий дам оладиган бўлдик», деб даставвал анча севинишганди. Фахриддин Сидиқов раҳбарлигида «Булбул навоси» дастаси тузилиб, колхозчилар, чорвадорлар ҳузурида куй ва қўшиқлар ижро этишиб, кўпчиликка манзур бўлди. Лекин нима сабабдандир даста тарқалиб кетди. Меҳнат жамоаси парокандаликка учради. Кадрлар қўнимсизлиги, интизомининг бўшашиб кетганлиги аҳоли ўртасидаги маданий тадбирларга салбий таъсир кўрсатди. Аммо бу ердаги камчиликлар район маданият бўлимидагиларни заррача ташвишга солмади. Аҳволни яхшилаш бўйича бирорта чора кўрилмади. Қариб бир йилдан бўён маданият уйи эшигидаги катта қулфни очадиган азамат топилмаяпти. Афсуски, маданият уйи ишлаяпти қабилида айрим «шоввоз»лар ҳамон шу ердан маош олаётгани сир эмас. Яқинда ана шу маданият уйида бўлиб, ҳайратдан ёқа ушладик. Дераза ойналари синган. Қимматли кресло, стол-стуллар чанг босиб кетганлигидан қайси рангда эканлиги ҳам билинмайди. Бундан ташқари маданият уйи биносида Чайковский номли мусиқа мактабининг пианино бўлими ҳам ташкил этилган бўлиб, у ҳам 5-6 ойдан буён бирор-бир машғулот ўтказгани йўқ. Девор пештоқига «Ўқлоқдек» қилиб «Эски Тошкент қишлоқ маданият уйи, музика мактаби филиали», деб ёзиб қўйишган. Биз мусиқа мактаби директори Азиза Полвоновадан бундай аянчли аҳволнинг сабабини сўрадик. У:

— Биз мусиқа мактаби филиалини очиб, ота-оналар ўртасида юзимиз шувут бўлди. Маданият уйидагилар ҳафталаб, ойлаб эшикни очмасди. Мана бир йилки ҳамон қулф. Шунинг учун ҳам филиални ўрдан кўчиришга тўғри келди, — деди куюниб.

Ҳа, маданият бўлими мудири Тоҳир Мансуровнинг нима учун бунчалик бепарволиги бизни ҳайратга солади. Шунингдек районда «Гулдаста» ўзбек миллий ашула ва рақс, «Ғулзоробод гуллари», «Мингчинор» фольклор этнографик дасталари нима сабабдан тарқалиб кетганлиги ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда. Авваллари нуроний онаҳонларимиздан ташкил топган дасталар давраларга файз бағишларди. Энди-чи! Энди уларнинг ўрнини тўйма-тўй юрадиган вокал дасталари эгаллади. Қулоқни қоматга келтирадиган, паст савиядаги қўшиқларни ижро этадиган «сайёҳ» дасталари кимга керак! Хўш, қачонгача маданият уйида маданиятсизлик давом этади!

А. ОРИПОВ,
Чиноз районы.

МАДАНИЯТ УЙИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ

ЯНГИ ОЙНОМА ХУСУСИДА

ОРЗИҚИБ КУТГАНДИК

Бизлар Чиноз ноҳияси маорифчилари яқинда чоп этилган «Бошланғич таълим» ойномасининг илк нусхасини қўлга олиб, жуда хурсанд бўлдик. Ва ниҳоят ноҳиямиздаги бошланғич синфларда таълим бераётган мураббияларимиз ҳам ўзларининг мустақил услубий дастурларига эга бўлдилар.

Авваллари «Начальная школа» ёки «Бастаушь класс» ойномаларидан оз-оз фойдаланиб келинар эди. Энди ликда эса ўз она тилимиздаги ойномага эга бўлдилар.

Ойноманинг дастлабки сонидаёқ унга бўлган қизиқиш, ихлос уйғонади журналхонда. Чунки ойнома муҳарририятидаги ўртоқлар кенг ўқувчилар оммасининг талаб, истак ва эҳтиёжларини эътиборга олишганлиги сезилиб турибди.

Айниқса, миллий қадриятимизнинг инобатга олинганлигининг ўзи ҳам қувончли ҳолдир. Йўлдош Абдуллаевнинг «Устоди аввал» дастлабки ўзбек алифбосининг муаллифи ҳақидаги мақоласи ҳамда Муҳаммад пайғамбаримиз ҳақидаги болалар ва ҳаммамиз учун ибратли қиссанинг берилиши маърифий аҳамиятга эгадир.

Шунингдек ойномадаги «Маърифий мерос», «Намунали дарс», «Боболардан болаларга», «Одобнома», «Инсон ва табиат», «Жавоҳир сандиғи» каби рукнлар ҳам ўринли танланган ва мазмунли шарҳига эга.

Бизлар янги нашрда бошланғич таълим соҳасидаги долзарб муаммолар ҳамда ижодкорликни уйғотувчи мавзуларнинг бериб борилишига тилак билдирамиз.

Ҳамдам НАБИЕВ.

Чиноз ноҳияси халқ таълими бўлими мудири, жумҳурйятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими;

Бурхон ТУРДИЕВ,

ноҳия халқ таълими бўлимининг бошланғич таълим услубнависи, методист ўқитувчи.

Юрсин ЭРНАЗАРОВ,

методист, педагогика фанлари номзоди.

• *Мактубларга шарҳ*

ЖАВОБ ЁЗМОҚЛИК ФАРЗДИР!

АВВАЛГИ чиқишларимизнинг бирида муҳарририят истаги билан рўзномамизда «Миллий қадриятлар, тил тараққиёти ва мактаблар бўлими» ташкил этилганлиги ҳақида маълумот бергандик. Бўлим гарчи бир неча ой аввал юзага келган бўлса-да, аммо ўз муштарийларини топиб улгурганлигини мамнуният билан айтиш мумкин. Зеро, фикримизга далил сифатида бўлим номига келаётган мактублардан айримларини эслаб ўтиш жоиз. Шунингдек «хатларга жавоб ёзмоқлик, саломга алик олмоқлик каби фарздир!» дейиладиган муқаддас битикларда. Чунки ҳар бир мактуб ортида тирик инсон, унинг дарди, севинчи, нозик кечинмалари мавжуд. Аввалдан айтиб қўймоқ керакки, мактублар мазмуни турлича. Муаллифлар турли касбдаги одамлар. Шу боис ҳам биз хатларни алоҳида саралаб, яхши ёки номуносиб деб баҳолашни истамадик. Келаётган хатлардан имкон қадар рўзномамиз саҳифаларида фойдаланмоқдамиз. Тўлиқ фойдаланишнинг иложи бўлмаганларидан ҳам лоақал бир неча сатрни олиб, рўзномабоплаштириб мазкур мақолада ўрни билан фойдаланишни лозим топдик. Айримларини эса заруратга қараб қай йўсинда ҳал этилганлигини ҳам маълум қилиб ўтмоқчимиз.

— «Ҳозирги вақтда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар сони ўсаётганлиги сир эмас, — деб ёзибдилар Чиноз ноҳияси «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи муаллим Ҳасан Тошматов, — бунинг турли сабаблари ва, албатта, олдини олиш йўллари ҳам бор».

Мактуб муаллифи ёшлар тарбиясига муаллим нуқтаи назаридан ёндошиб, уларни, асосан болалар уйлари тарбияланувчиларини йирик корхоналарга ишга жалб этишни таклиф қилганлар. Таклиф жуда ўринли. Бироқ бундай таклифлар фақат муаллимлик эмас, балки иқтисодчи соҳасидаги кишилар билан ҳамкорликда аниқ рақамларга суянган ҳолда билдирилса, эътиборга кўпроқ молик бўларди.

Оҳангарон ноҳия Қорахтой қишлоғида яшовчи А. Наврўзовнинг мактубларини ўқиётиб, **«Сиз Олмалиқ тарихини биясизми?»** деган саволга дуч келдик. Муаллиф шундай эътироз ҳам билдиради:

«Бир вақтлар водиймизда гуллаб-яшнаётган Илоқ давлати бўлган. Тўққент, Тункент шаҳарлари харобаларида ота-боболаримизнинг мукаддас ҳоки ётибди. Нега шаҳардаги кинотеатрларни «Тўққент», «Тункент», «Илоқ» каби тарихий атамалар билан номлаш мумкин эмас!»

Жуда ўринли эътироз. Дарҳақиқат, Илоқ давлати ўз вақтида кўзга кўринган ўлкалардан бўлиб, Муҳаммад Илоқий, Шарафуддин Илоқий каби кўплаб машҳур сиймолар шу ердан етишиб чиққанлар. XI асрда яшаган Шарафуддин Илоқий тиб илмининг улкан олими бўлиб, Абу Али ибн Синога шогирд эканлиги манбаларда алоҳида таъкидланган.

Ўйлаймизки, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги бу масалага жиддий ёндошади ва нафақат тарихий жой атамаларини, балки тарихий шахслар хотирасини ҳам тиклаб, абадийлаштиради. Зеро, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 24-моддасида бу масала аниқ ва алоҳида таъкидлангандир.

Тошкент ноҳиясида яшовчи Абдурасул Мўминовнинг йўллаган мактубларида ҳам пойтахт Тошкент шаҳридаги кўплаб атамалар, жойларга берилган шахс номлари халқимиз дили ва дидига мос келмаслиги айтилади. Биз А. Мўминов мактубларини пойтахт ҳокимлиги ихтиёрига жўнатишни маъқул кўрдик.

Тошкент ноҳиясидаги 1-мактаб ўқитувчиси Р. Тиллаев она тилимизга давлат мақоми берилиши муносабати билан айрим сўзларнинг қўлланилишида ғализликлар юзага келаётганлигини маълум қилиб: **«Олийгоҳми, билимгоҳми, илмгоҳми! Қайси бир ғавий дастур чоп этилса, ажаб эмас...**

Яна шу ноҳияда яшовчи Турғун Жўраев эса марҳумлар руҳини шод этиб, улар хотирасини абадийлаштириш борасидаги истакларини баён қилганлар. Бу борада энг аввало жойлардаги ҳокимларга мурожаат қилиш кераклигини алоҳида таъкидламоқчимиз, холос.

Тошкентлик меҳнат фахрийси, рўзномамизнинг доимий муаллифларидан Абдулла Тўлипов мактубидаги мавзу миллий қадриятларимиз билан боғлиқ:

«... Яқин-яқингача ноинн увол қилиш, ҳатто ахлат қутиларига ташлаш каби иллатларни кўриш мумкин эди. Ким нимани хор қилса, ахир бир кун ўшанга зор бўлади, деган нақл чинлигига ота-онаснинг паноҳида ўсаётган айрим ёшларимиз эндиликда тушуниб етаётган бўлсалар керак, — дейди муаллиф. Шундан сўнг яна бир муҳим қадрият — тил ўрганиш ҳақида сўз юритиб, узил-кесил таъкидлайди:

— «Ўзбекистонда туғилдингми ёки шу ўлкага яшаш учун келдингми, ўзбек тилини албатта ўрган. Тил бирлиги — эл бирлиги!»

Жуда тўғри таъкид. А. Тўлипов ўз мактубида рамазон ҳайити ҳамда Наврўз байрамларини эсга олиб, муқаддас ва тарихий манбаалардан таъкидлар келтиради.

Муаллифнинг куюнчаклик билан ёзган ҳар бир сатрини баён этиб ўтишга имкон ёки зарурат изламадик. Зеро, ҳозирги миллий янгиланиш даври бу борада амалий тадбирларни юзага келтиришига ишонамиз.

Қибрай ноҳиясида яшовчи Темир Қодировнинг тўплаб юборган ибратли иборалари бизга маъқул бўлди. Бироқ бу ибора (мақол)ларга мазмунан яқинлари матбуот нашрларида чоп этилганлиги боис улардан фойдалана олмадик. Лекин ўйлаймизки, Т. Қодиров ўз изланишларини бундан кейин ҳам давом эттириб, бизга мактуб йўллайверадилар.

Шунингдек муштарийларга рўзномамиз орқали яхши таниш бўлган **Музаффар Туробовнинг «Ташаббускор ўқувчилар»** сарлавҳали хабарномасидан фойдалана олмаганлигимиз учун муаллиф биздан ранжимаса керак деб ўйлаймиз.

Ангрен шаҳрида яшовчи **Урол Жўраев** шу йил 9 январда эълон қилинган «Хўжа Аҳрор Вали» мақоласига яхши фикрлар билдириб, келгусида шундай улуғ сиймолар ҳақида тез-тез мақолалар чоп этиб туришимизни илтимос қилганлар. Биз бу илтимосни имкон қадар адо этишга ўзимизни масъул деб биламиз.

Ушбу шарҳ-мақолага сўнгги сўз ўрнида бизга мактуб йўллаётган барча муштарийларга ташаккур айтиб, уларнинг турмушларига қут-барака тилаймиз.

Дилмурод САЙДОВ,
бўлим мудири.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ФАНИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АДАДЕМИЯСИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг тузилиши жумҳурият деҳқончилик фани ва шу соҳа олимлари учун катта муҳим воқеа бўлди. Бунда деярли 20 йил мобайнида фаолият кўрсатган БҚХФА (ВАСХНИЛ)-нинг Ўрта Осиё бўлими зарур илмий-моддий база бўлиб хизмат қилди.

Шу йиллар давомида жумҳурият деҳқончилик фани салмоғи сезиларли даражада ошди. Ўтган йилнинг ўзида академия ва унинг тасарруфидаги илмий муассасалар, тажриба-синов хўжаликларида, станцияларида 200 га яқин фан доктори, 1500 дан ортиқ фан номзоди фаолият кўрсатди. Деҳқончилик илмгоҳларининг моддий базалари янада мустаҳкамланди.

Кейинги йилларда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар фан, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этишга янгича ёндашувни тақозо этди. Бу эса деҳқончилик фанининг республика гуруҳини тузиш заруриятини кўндаланг қилиб қўйди.

Яқинда тузилган ушбу фан штабининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда академия президенти академик А. Ёмомалиев унинг 1991 йилги илмий-ташкилий фаолияти якунлари ва бозор иқтисодиёти шароитида деҳқончилик фани вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

— Бугунги анжуманимиз Ўзбекистон республикаси деҳқончилик — саноат комплекси, бозор муносабатлари ва кўп қиррали иқтисодиётга ўтиш ғоясига асосланиб ўтказилмоқда,— деди нотиқ.— Тадқиқотлар йўналиши ва тематикасини тубдан ўзгартириш борасида катта ишлар қилинди ҳамда илмий изланишлар йўналишларнинг истиқболли режалари белгиланди. Асосий илмий ва молиявий имкониятлар, хусусан республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, бозор шароитида пахтачиликни ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик барча тармоқлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий муаммоларни ҳал этишга мувофиқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг қўллаб-қувватлаши билан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими базасида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясини тузиш йўлида кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклар) ва мухбир-аъзолари сайлови ўтказилди. Академиянинг 20 нафар академиги ва 28 нафар мухбир-аъзоси сайланди.

Ҳисобот йилида Давлат нав синаш тармоғида «Узхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси селекцияси бўйича 9 та янги пахта нави синаб кўрилди. «Союзниихи — 6» ва «Союзниихи—11» навлари яхши баҳо олди.

«Пахта селекцияси ва уруғчилиги» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари яратган «С-6524» ва «С-9070» пахта навлари уларни кўплаб қайта экиш мақсадида районлаштирилди. 1992 йилда V тип тола берадиган ўрта толали «Наманган» ва III тип тола берадиган ингичка толали «Қарши—8» нав ғўзалар районлаштириш учун тавсия этилди. Мазкур институтнинг 10 та янги нави Давлат нав синовидан ўтмоқда.

«Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат нав синашига гектар бошига 832 центнердан яшилмасса ҳосили берадиган «Ширин» шакарли нави, гектар бошига 51 центнердан ҳосил берадиган ғалла ҳамда гектар бошига 74,4 центнердан ҳосил олинадиган дурагайлашган ғалла навини топширди. Нав юқори агротехник ва технологик кўрсаткичларга эга.

«Толмас» шоли нави районлаштирилди. Ҳисобот йилида бу нав 4 минг гектар майдонга экилди.

Ҳозир Давлат нав синовига сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 12 та нави берилган. Гектар бошига 350—400 центнердан ҳосил берувчи ва консерва қилиш учун мўлжалланган «Зумрад» чучук гаримдори си, узоқ муддатга сақланиши мумкин бўлган «Андижон» турпи районлаштирилди.

Гектар бошига 85—92 центнердан ҳосил берадиган маккажўхорининг дурагайлашган гуруҳи синаб кўрилди. «Гибрид» илмий ишлаб чиқариш станциясида 15 минг тоннадан зиёд уруғ тайёрланди. Яшил ва юқори намли ем-хашакларни консервалаштириш технологияси ишлаб чиқилди.

Қорақўлчи олимлар томонидан иккита янги селекцион қўйлар насли вужудга келтирилди. Томди завод типидаги кулранг рангли қўйлар тажрибадан яхши ўтди.

«Ипак» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат стандартига эга бўлган жонли ва қуруқ пиллаларни тайёрлаб, амалиётда қўллаш учун тавсия этди.

Ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичи бўйича ажралиб турадиган 4 та ипак қурти дурагайи Давлат нав синовига берилди. Янги ва такомиллашган пахта териш машиналарини яратиш ғояси тузиб чиқилди. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланди.

60х80 сантиметрли эгат ораларидаги ғўзаларга ишлов берувчи технология учун комплекс машина ва асбоблар ишлаб чиқаришга қаратилган дастур лойиҳаси тайёрланди ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига топширилди.

Илмий тадқиқот муассасалари фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга асосий эътиборни қаратдилар. Ўтган йили 290 дан ортиқ тугалланган ишланмалар амалиётда жорий этилиб, 628 миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Фанда сарфланган ҳар бир сўмдан айрим муаммолар бўйича 7 дан 15 сўмгача иқтисодий фойда олинди.

Йиллик йиғилишда шу нарса ҳам таъкидлаб ўтилдики, бозор шароити тез-тез ўзгариб турган бугунги кунда деҳқончилик-саноат комплексини илмий жиҳатдан самарали қуроллантириш даражаси ишлаб чиқариш талабларидан орқада қолмоқда. Қишлоқни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кооперацияси ва акционерлигини ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар кам тайёрланмоқда.

Гарчи, ҳозир қатор истиқболли янги навларга эга бўлсак ҳам, пахта толаси айниқса биринчи, тўртинчи ва бешинчи тип толалари тўқимачилик саноатининг хиллар бўйича талабларини қониқтираётгани йўқ. Олтинчи тип толаси талаб ҳажмидан кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда.

Пахтачиликда ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш технологияси суст такомиллаштирилмоқда. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги паст, уларни тайёрлаш учун сарф қилинаётган меҳнат, моддий-техника ва сув ҳаражатлари эса ниҳоятда юқори бўлмоқда.

Бошоқли донлар, маккажўхори, сабзавот, полиз ва озуқа экинлари уруғчилигини ишлаб чиқиш ишлари талабларга жавоб бермайди. Арпа селекциясининг айрим муаммолари ҳал этилганича йўқ, дала шароитида уруғ етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадқиқотлар суст йўлга қўйилган. Лалмикорликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини яхшилаш муаммолари секинлик билан ҳал этилмоқда.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкадан режалаштирилган тартибда ҳосил олиш масаласига қониқарсиз ёндошилмоқда, иссиқхоналарда айрим зараркунандаларга қарши кураш олиб боришнинг самарали усуллари яратилганича йўқ, сабзавотчилик ва картошкачилик борасида алмашлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва яхшилаш борасида тадқиқотлар суст. Боғ ва узумзорларда технологик жараёнларни механизациялаш даражаси кўнгилдагидек эмас. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш технологияси ва суғоришнинг истиқболли усуллари секинлик билан жорий этилмоқда.

Йиғилишда академиянинг вице-президенти Ш. Йўлдошев, академик С. Йўлдошевлар деҳқончилик фани истиқболларига оид қатор муҳим муаммолар тўғрисида маърузалар билан чиқдилар.

Анжуманда академия раёсати барча олимлар ўз имкониятларини мустақил Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнаши ҳамда унинг халқи фаровонлиги учун сафарбар этиб, ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар деб тўла ишонч билдирди ҳамда шу мақсадга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. АЛИЕВ,
академия раёсати илмий котибияти сектор мудири.

• ЁЗУВЧИ ВА ДАВР •

Биздан меҳр лозим бу кунлар...

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ НОИБИ, ЖУМҲУРИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИНИНГ РАИСИ, ШОИРА ҲАЛИМА ХУДОИБЕРДИЕВА БИЛАН МУЛОҚОТ

— Ҳалима опа, агар рухсат этсангиз, суҳбатимизни 16 январь куни талабалар шаҳарчасида юз берган воқеадан бошласак. Сиз нима деб ўйлайсиз, тўполоннинг келиб чиқишига чиндан ҳам нарх-навонинг ошиши сабаб бўлдимикин?

— Биласизми, юз йилдан кўпроқ вақт ичида биринчи марта бошимизга ҳумо қуши қўнди — мустақил бўлдик. Бироқ мана шу бахт қушимизни асраб қололмасак, ҳамиша панд бергувчи лоқайд қарашлардан қутулолмасак ҳеч қачон биримиз икки бўлмайди. Афсуски, ташқаридагина эмас, ўз ичимизда ҳам мустақиллигимизни ҳазм қилолмаётганлар, ёвуз ниятларини пинҳона амалга ошириш учун пайт пойлаб турганлар етарли. Мен талабалар шаҳарчасида юз берган воқеада ҳам ана шундай ёт кучларнинг қўли бор деб ҳисоблайман. Ўзбекистонимизнинг бугунги дадил қадамлари ёқмаётган айрим кимсалар бегуноҳ ёшларни ўртага солди, икки йигитнинг жони узилди. Айтинг-чи, башанг куртка, қимматбаҳо телпак кийиб талабаларни қўлда тош билан кўчага етаклаганларни нарх-навонинг ошиши безовта қилганига сиз ишонасизми? Тилла тақинчоқларга беланган, ҳукуматни қоралаб, у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган аёлни (эсиз!) очлик қийнаб қўйганига-чи? Йўқ! Лекин тўполон ичида шундай кишилар бўлганини менга айтишди...

— Кечирасиз, воқеа содир бўлган вақтда сиз қаерда эдингиз?

— Наманганда хотин-қизлар конференциясини ўтказаётган эдим. Қизиқ, одамнинг юраги барибир сезар экан-да... Ўша куни негадир кўнглим безовта бўлаверди, сўзга чиққанимда ҳам беихтиёр Фарғона ва Ўш воқеаларига тўхталдим. Дедимки, бу кўргуликлар энди орқада эҳтиёт бўлинг, болаларингизга, эрларингизга эҳтиёт бўлинг, қорнимиз бугун оч бўлса, эртага балким тўқ бўлар, чунки қийинчиликлар ўткинчи, аммо ёнгинамиздаги одам қурбон бўлса, эртага уни қайтариб тополмаймиз, ана, Фарғона воқеаларида ҳалок бўлганларнинг қабрида гуллар ўсаяпти, Ўшдаги қиргинларда жон берганларнинг қабрини чим қоплади, буларни ёдимиздан чиқармайлик, ҳушёр бўлайлик... Худди шу куни кечқурун талабалар шаҳарчасида студентлар тўполон кўтарганини, бир йигит ҳалок бўлганини эшитдим... Эҳ, ёшлар, чуқурроқ мушоҳада юритмай туриб, уларни йўлга солаётганларнинг ногорасига ўйнадилар-а! Майли, кимки мана шу ур-йиқитлардан манфаатдор экан, худога солдик. Ёмонлик ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Ахир уларнинг ҳам ҳалок бўлган йигитлардек ўғиллари бордир, боласидан жудо бўлиб, тутдай тўкилиб ўтирган онасидек оналари бордир...

— Сиз «Туркистон онаси» номли шеърингизда ёзгансиз:

Етар! Етим-есирдан нидо
чиқабошларкан,
Бор-буди таланган эл гадо
чиқабошларкан.
Зўрлаб жонимизгача тортиб олар
каззоблар
«Бу қандайин зулм?» деб садо
чиқабошларкан!

Лекин ўша садо, сиз айтмоқчи, жонимизни олиб бўлгандан кейингина чиқаяпти, Ҳалима опа. Айрим марказий рўзномаларда жумҳуриятимиз ҳақидаги туҳматдан иборат ёлғон-яшиқ мақолалар кундан-кун болалаяпти, лекин бизнинг раҳбариятимиз бунга нисбатан жиддий чоралар кўраётгани йўқ. Охири нима билан тугашини кутяпмиз чоғи. Иккинчидан, ўзимиз қабул қилган айрим қарорларда ўзимиз қўшилмайдиган жиҳатлар мавжуд. Масалан, ўзбек тили давлат тили эканлиги ҳақидаги Қонунни олайлик. Унинг 22-моддасида рус тилида сўзлашувчиларнинг ўзбек тилини ўрганишлари учун саккиз йил муддат белгилаб қўйилган. Шартми шунча йил кутиш? Ахир рус тилида ҳатто туғилган йилини тўғри айтиб беролмайдиган баъзи қишлоқ болалари армияга боргач, икки йил ичида бу тилни бемалол ўрганиб келишаяпти-ку! Бизда эса аксарият рус забонли раҳбарлар ҳалигача давлат тилида иш юритиш у ёқда турсин, оддий муомалани ҳам тузукроқ билишмайди. Муддат узоқлиги учун улар хотиржам... Мустақил бўлдик деяпмиз, наҳотки шу қонуннинг шу бандини қайта кўриб чиқиш имконияти бўлмаса?

— Фикрларингизга қўшиламан. Давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш борасида кам натижаларга эришаётганимизнинг замирида маълум маънода ана шу муддатнинг ҳиссаси борлиги, шубҳасиз.

— Депутатимиз сифатида шу масалани навбатдаги сессиялардан бирида кўтариб чиқишга ўзингизда журъат топа оласизми?

— Топа оламан!

— Раҳмат! Ҳалима опа, Президентлик Кенгашига аъзо бўлаётган вақтингизда кўнглингизда қандай ниятларингиз бор эди? Улар амалга ошдими?

— Кўнглимга туккан бирдан-бир ниятим жумҳуриятимизда, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш эди. Биринчи галда қишлоқ аёлларига эътибор бераман, деб мақсад қилганман. Чунки ўзим қишлоқда ўсганим учун у ердаги турмушнинг қанақалигини яхши биламан. Афсуски, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида ҳамма режалар ҳам осонликча рўёбга чиқаётгани йўқ. Боя ўзингиз эслатдингиз, болали аёлларнинг иш вақтини қисқартириш, бу билан уларга фарзандлари тарбияси билан кўпроқ шуғулланиш имкониятини яратиш ҳақида сўз очиб қўйганимизга анча бўлди. Мана шу ният ҳозирча узил-кесил амалга ошгани йўқ. Ишчи кучларининг аксарият қисмини хотин-қизлар ташкил этгач, уларнинг иш вақтини бирданига қисқартириш оғир экан-да... Бироқ уни барибир ҳал этамиз.

— Бозор шароитига ўтиш жараёнидаги йўқчилик, қимматчиликлар ҳам одамларни ташвишга солиб қўйди. Айниқса, турмуш ўртоғига баъзан айтиб, баъзан яшириб ўғил-қизига сарпо йиғадиган оналар ҳайрон, ким ўзи нархларни бунчалик ошираётганлар деб...

— Рост. Лекин бу нарса фақат жумҳурият раҳбарларига боғлиқ эмаслигини жуда кўплаб оналар тушуниб туришибди. Бугунги нарх-наво — кўпга келган тўй. Ахир бошқа жумҳуриятларда ҳам аҳвол биздагидан яхшироқ эмас-ку! Кўрганларимиз — қаҳатчилик эмас. Қаҳатчиликни тилло бериб ҳам бир бурда нон тополмаганлар кўрган. Қаҳатчиликни ўт-ўланларнинг илдизини қайнатиб еб жон сақлаганлар кўрган. Қаҳатчиликни боласи очликдан шишиб ўлганлар... кўрган. Бизнинг кўраётганларимиз ўз мустақиллигимиз, эркимиз йўлидаги муқаррар қийинчиликлардир. Насиб этса, ҳадемай арзончилик кунларга ҳам етамиз. Назаримда ҳозир бизга ўзаро меҳр-оқибат, йиқилганда суяб қола оладиган тоғдай қалб жудажуда зарур. Ахир оқибат устун бўлган жойда тотувлик бўлади, фаровонлик бўлади, оналар камроқ дард чекади...

— Оналар дарди ҳақида сўз очдингиз. Кўраяпманки, олдингизга шикоят билан келувчи хотин-қизлар ниҳоятда кўп экан...

— Ҳа. Уларнинг ҳаммасининг ҳам ўзига яраша дарди, талаби бўлади. Қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилаяпман. Ҳозир сиздан олдин кирган Замира исмли аёл Сурхондарёдан кўмак сўраб келибди. Боламни ноҳақ қамашди, дейди зор йиғлаб. Республика бош прокурори Бўритош Мустафоев билан гаплашдим. У киши бажонидил ёрдам бераман, дедилар. Зора, шу иш ижобий ҳал бўлса. Биласизми, мен умуман аёл кишининг кўзида ёш кўрмасам дейман...

— Аксига олиб, кўзи ёшли аёлларга ҳар қачонгидан кўпроқ дуч келаяпмиз ҳозир. Мен ёш оилаларнинг ажрашиб кетиш ҳоллари тобора кўпаяётганини назарда тутаяпман. Шикоятчилар ҳам сизга кўпинча шу масалада мурожаат қилишади. Сизнингча, турмушнинг бузилишига кўпроқ ким айбдор?

— Кўпчилик билади, оила қурилгач, унда икки-уч йилгача ички курашлар давом этиб туради. Шу жараёнда аёл ҳам, эркак ҳам ҳукмронликни ўз қўлларига олишга интиладилар. Бу ҳол жуда ботиний тарзда кечади, яъни дилда бўлади-ю тилда айтилмайди. Лекин мен бўлажак келинларимизга, аёлларимизга бошқачароқ ўйлашни тавсия қилардим. Аёл кўринишидан ҳукмрон кўринмайди. Бироқ у ўзининг ҳамиятлилиги, кечиримлилиги, саранжом-саришталиги билан эркакни тарбиялайди. Баъзан айтамиз, йигитларимиз, эрларимиз аёлни ҳурмат қилмайди деб. Лекин эркакларимизнинг иззат-ҳурмати ҳам жойида эмас-да!

Қолаверса, оилада битта бош бўлиши керак. Фарзандлар ҳам ота-онадаги фазилатлардан ўрнак олади. Агар аёл фаҳм-фаросатли бўлса, эрни, болаларни, қайнона-қайнотани кафтида кўтариб турган бўлса — эр аҳмоқ эмас-ку шундай аёл билан ажрашиб! Демоқчиманки, оиланинг бутунлиги кўпроқ аёлга боғлиқ.

— Ҳалима опа, сиз эл назаридаги ижодкорсиз, анчадан бери раҳбарлик лавозимида ишлаяпсиз — «Саодат» журналига муҳаррирсиз, бошқа ташвишларингиз ҳам кўп. Баъзан маслаҳатингиз билан, баъзан амалий ёрдамингиз билан кўп хотин-қизларнинг мушкулини осон қилаяпсиз. Айтинг-чи, ўзингизнинг ҳаётингизда ҳам қийин дамлар бўлганми? Аниқроғи, фаолиятингиз давомида ҳукумат раҳбарлари томонидан бирор тазйиққа учрагانмисиз?

— Учраганда қандоқ. Лекин эски ярани янгилашдан не ҳожат? Агар бу ҳақда гап бошласам достон бўлгулик. Қўйинг, ўтган гапларни ковлаштириб ўтирмайлик. Фақат ҳеч ёдимдан чиқаролмайдиган бир воқеанигина айтиб беришим мумкин. «Саодат»нинг муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаб юрган пайтимда, адашмасам, 1984 йил эди, Марказқўмга, Ёзувчилар уюшмасига, «Саодат»га бир вақтнинг ўзида устимдан шикоят хатлар тушди. Бу хатларда «ўз ишига нолойиқ» деган мазмун бор эди. Бўҳтон одамнинг жон томирларини қирқиб юборадиган балодир. Ёмон аҳволга тушиб қолганман ўшанда. Хатларни текширишди, ҳатто Марказқўмда муҳокама қилишди. Натижа шу бўлдики, хатлар туҳмат эканлиги асосланди, мени эса кўп ўтмай муҳаррир ўринбосарлигидан муҳаррирлик лавозимига ўтказишди. Мана, баҳоли-қудрат ишлаб юрибман...

— Зиммангизда масъулиятли вазифалар кўплигини биламиз. Иш сероблигидан вақтингиз ҳамиша тиғиз. Мумкин бўлса айтинг-чи, қанча маош оласиз?

— 530 сўм... Ҳозир ҳамма жойда ойликлар ошаяпти, бизда ҳам ошиб қолса, балки бундан кўпроқ бўлар.

— Биз ўйлардикки...

— Мен фақат муҳаррирлигим учун маош оламан. Қолгани—жамоатчилик асосида.

— Оилангиз ҳақида гапириб беролмайсизми? Турмуш ўртоғингизнинг кимлиги ва фарзандларингиз ҳақида сўрашни бир гуруҳ муштарийлар мендан илтимос қилишганди.

— Болаларимнинг отаси Мавлон Умрзоқов президентлик девонида хизмат қиладилар. Улуғбек, Умидбек, Моҳигул, Камола, Мирзо Ғолиб исмли фарзандларимиз бор.

— Қайнонангиз-чи? Сўраётганимнинг боиси, кўпинча келин-куёвлар ўртасида бўладиган можароларга қайнонани сабабчи қилиб кўрсатишади...

— Мен бу оилага келганимда қайнонам оламдан ўтган эдилар. У киши бизга армон... Лекин яқинда ўзим қайнона бўлдим. Ўғлимизни уйлантирдик. Келинимнинг исмлари Наргизахон. Ундан хурсандман. Можароларга келсак... тўғриси, мен мутлақо ёмон қайноналар бўлишига ишонмайман. Мутлақо ёмон келинлар бўлишига ҳам! Сабаб қайнона эмас, балки бир-бирини тушунишга ҳаракат қилмасликдадир.

— Муштарийларга тилакларингиз?

— Тилакларим... АЁЛга бугун кенг юрак берсин, кенг тафаккур берсин. Чунки нафақат оилада, балки жамиятда оналарнинг таъсири беқиёс. Бугунги таҳликали кунлардан эсон-омон ўтиб олайлик.

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат! Лекин бир жуфтгина шеър тингламай туриб сиз билан хайрлашолмасак керак.

— Ундай бўлса «Бу шаҳд» ва «Йиғи» номли шеърларимни муштарийларимизга тақдим этаман.

— Ташаккур!

Зарифа ЭРАЛИЕВА суҳбатлашди.

* * *

ЙИҒИ

Ўзимга тўқ, кўркам, хушбичим, оқ дўст,
Йиғлайман, Сизгамас, кўкси бедоғ дўст,
Пок, нопокни бирдай суёвчи тоғ дўст,
Йиғим сўлаётган болалар учун.

Олма сабоғидай ингичка бўйин
Гоҳ етиб, гоҳ етмай, кўрмадик тўйин.
Ўлмасайди... буюк бўларди тайин,
Йиғим ўлаётган болалар учун.

Ичиб, учиб ётган боболари деб,
Тўзғиб, кўчиб ётган боболари деб,
Бир-бирини сотган боболари деб;
Тўлов тўлаётган болалар учун.

Ёраб, тиш ботирмай бўлмасми юриб
Одамлар-ку, эмас қашқир уюри.
Бирининг зулмидан бириси қуриб
Қақшаб кетаётган болалар учун.

Ишонч йўқ, имону ҳаж, додларига,
Жаҳолат муҳр урган каж ёдларига.
Бир-бирин қирганда аждодларига
Ўхшаб кетаётган болалар учун...

БУ ШАҲД

Қадрига етмаймиз бор, нақд кетадир,
Кўзи ёшга тўлиб чин бахт кетадир.
Ёраб, одамнинг-ку оёқлари бор,
Ранглари сарғайиб дарахт кетадир.

Ўпиб қол, бу яроқ кўзга омонат,
Мунглиғ онажони қизга омонат,
Гадо ҳассаси ҳам бизга омонат,
Сулаймон ўтирган тож-тахт кетадир.

«Дунё меники» — деб санаб юрганлар,
Ўғрини қароқчи бўлиб қирганлар,
Шароб омонат деб ўзин урганлар
Бошларин чангаллаб, карахт кетадир.

Тилимни боғлама, тилим жаранггос,
Бугун қўнғироқмен, бир илоҳий соз.
Эрта менга деса шу тилимдан ос,
Эрта балки мендан бу шаҳд кетадир.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Ж. БЕЙКЕР ҲИСОБОТИ

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари давлат котиби Жеймс Бейкер МДҲ жумҳуриятларига қилган кўп кунлик сафаридан қайтиб келгач, ўтган душанба куни конгрессда ҳисобот берди. Ж. Бейкер ўз ҳисоботида, асосан, Оврупо мамлакатларига, шу жумладан, Ҳамдўстлик давлатларига иқтисодий ҳамда молиявий ёрдам бериш тўғрисида тўхталди.

Собиқ совет жумҳуриятларини Халқаро валюта фондига ва Жаҳон банкига аъзо қилиш яхши истиқболлар очади, бироқ, уларнинг аъзолиги мазкур молиявий ташкилотлар елкасига оғир юк бўлиб тушади, деди Ж. Бейкер. Лекин, менинг фикримча, деб таъкидлади давлат котиби, сўнгги қирқ йил мобайнида биз «совуқ уруш» устидан ғалаба қозониш учун бир неча триллион сарфлаган бўлишимиз мумкин. Бироқ, эндиликда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун миллиардлар сарфлашдан чўчимаслигимиз лозим. Акс ҳолда биз яна «совуқ уруш» доирасига тортилишимиз мумкин.

Ж. Бейкер, маъмурият жорий ҳамда келгуси молия йили учун ҳорижий мамлакатларга ёрдам бериш мақсадида бюджетдан 15 миллиард доллар ажратишни сўраган эди, деди. Бу ҳисобдан собиқ Совет Иттифоқига 620 миллион доллар ажратиш кўзда тутилган эди. Конгрессда сўралган ҳажмдаги пул тасдиқланадиган бўлса, АҚШнинг МДҲ жумҳуриятларига кўрсатган ва кўрсатажак ёрдами ҳаммаси бўлиб 5 миллиардга тўғри келади.

ЭРОН НЕФТИ — УКРАИНАГА

● УКРАИНА бош вазири ўринбосари Константин Масик Эрон пойтахтида бўлган вақтида ЭИЖ нефть вазири Гулом Ризо Оғазода билан Украинага Эрон нефти ҳамда газини етказиб бериш хусусида музокаралар олиб борди. Украинага ҳар йили 4 миллион тонна ҳажмида хом Эрон нефтини етказиб бериш, ўтказиш қуввати 50 миллион тонна бўлган нефть қувурини ҳамда Қора денгизда нефть омборини қуриш тўғрисида сўз юритилди. Ўрнига ўрин Эрон Украинадан темир маъданларини, пўлат тунукалар ҳамда Исфаҳон металлургия комбинатида ўрнатилган жиҳозларга эҳтиёт қисмлар олади.

«МИ-5» ГА СТЕЛЛА РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ

● Жаҳон ҳарбий, полициячилари фаолиятида аёл киши нинг бу маҳкамаларга раҳбарлик қилиши жуда камдан-кам учрайдиган воқеадир. Разведка маҳкамаларининг тўғрисида гап юритмаса ҳам бўлади. Бироқ, Буюк Британия тарихида биринчи марта «МИ-5» деб юритиладиган Англия контрразведкаси раҳбари этиб 56 яшар аёл — Стелла Риммингтон тайинланди. У 25 февралдан бошлаб ўз вазифасини адо этишга киришди. С. Риммингтон икки фарзандининг онаси, эридан ажралган.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТНИНГ САФАРИ

● ГЕРМАНИЯНИНГ Мюнхен шаҳрида ҳар йили анъанавий балиқ зиёфати ўтказилади. Бу йилги зиёфатлар март ойи бошларига режалаштирилган бўлиб, унда собиқ СССРнинг собиқ президенти Михаил Сергеевич Горбачевнинг нутқ сўзлаши кутилмоқда. Барча тадбирлар шаҳарнинг машҳур «Хофбройхаус» деган катта пиво залида ўтказилади.

ДПА—ИТАР—ТАСС ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, М. С. Горбачев май ойи бошларида АҚШга сафар қилишни ҳам режалаштирмоқда. У бир неча шаҳарларга сафар қилиш ҳамда Рональд Рейган билан учрашиш ниятида эканлигини айтди.

БИР ЕҚДА ҒАЛАБА, БИР ЕҚДА ТАШВИШ

● РУМИНИЯДА маҳаллий ҳокимиятлар учун қайта сайловлар бўлиб ўтди. Чунки, биринчи даврада сайловчилар жуда сусткашлик билан сайлов жойларига келиб, бу муҳим кампанияга ўзларининг лоқайд назар билан қараётганликларини изҳор этган эдилар. Натижада, ўнлаб шаҳарлар, қишлоқ коммуналари, шунингдек, ҳатто, Бухарестнинг ўзида ҳам маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларини тузишнинг иложи бўлмади. «Либертатя» рўзномаси фикрича, Миллий Қутқариш Фронти икки йил аввал берган иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ваъдаларнинг қоғозда қолиб кетганлиги сайловда юқоридагича вазиятнинг вужудга келишига асосий сабаб бўлди.

Бўлиб ўтган иккинчи даврада Миллий Қутқариш Фронти вакиллари қатор шаҳарларда ўз номзодларини ўтказишга муваффақ бўлган бўлсалар ҳам, Демократик конвенцияга уюшган оппозициячи томон ҳам катта ютуқларга эришди. Мазкур гуруҳга кирган 14 сиёсий партия ва ташкилотлар кўпгина жойларда ғалаба қозонишга муваффақ бўлдилар. Шарҳчиларнинг фикрига қараганда, бир-бирига муҳолифликда турган ҳар иккала сиёсий кучнинг имкониятлари тобора тенглашиб бормоқда. Гап шундаки, яқин ойлар ичида ўтказиладиган оммавий сайловларда бир-бирига қарама-қарши турган сиёсий кучлар қандай натижаларни қўлга киритар экан? Бу савол шу кунларда ҳар бир руминиялиқни қизиқтирмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЗАВОД... ЧЎЛГА ҚАРШИ

● ҲАР ЙИЛИ Осиё ва Африка ҳудудларининг минглаб квадрат метр майдонлари чўлга айланмоқда. Бу йил «Яшил ер» лойиҳасини амалга ошириш бошланади. Лойиҳани япон ва мисрлик мутахассислар ҳамкорликда ишлаб чиқишган. Синов беш йил давом этади. Мисрда сувни ютадиган модда ишлаб чиқарувчи завод қурилади. Бу моддининг қанд кристалларини эслатувчи зарралари сув солинган идишга ташланса суюқликни бамисоли хамирга ўхшаш ҳолатга келтиради, унинг таркибий ниҳоятда майда донадор моддалардан ташкил топади. Улар чўл билан курашда суғоришга нисбатан анча самарали бўлади, деб ҳисоблашмоқда.

ҲУРКИТУВЧИ БЎЕҚ

● ЯПОНИЯЛИК кимёгарлар чарм ва чарм ўрнида ишлатиладиган материаллар учун нисон қонини сўрувчи ҳашаротларни ҳуркитувчи қўшимчалари бўлган махсус бўёқ ишлаб чиқиш билан шуғулландилар.

Афтидан бу бўёқдан геологлар, овчилар ҳамда саёҳатчилар учун кийим-бош ва пойабзал ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Ҳисоблашларича, бу бўёқ ўзининг ҳуркитиш хусуснятини ками билан уч йилгача сақлайди.

«ҚУЛБОЛА» ПАХТА

● АҚШнинг Техасдаги технология олий билимгоҳи олимлари биотехнология ёрдамида лаборатория шароитида пахта толаси олишга муваффақ бўлдилар. Тола табиийсига қараганда бирмунча калтароқ (пахта толаси қанчалик узун бўлса шунчалик кўп қадрланади), бироқ, у табиийси билан бир хил тузилишга эга.

Олимлар ўз тадқиқотларни учун чигит қобиғида тола ҳосил қилувчи ҳужайралардан фойдаландилар.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,

ШАҲАР КЕНГАШИ ҚАРОРИ

ХАЛҚ депутатлари Владивосток шаҳар Кенгашининг сессиясида аҳолига турар-жойларни бепул беришга қарор қилинди. Уй-жойларни олмоқчи бўлганлар тахминан 300 сўмдан 500 сўмгача тўлаб ҳужжатларни расмийлаштиришлари мумкин. «Владивосток шаҳри уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида низом» ҳам тасдиқланди.

НОХУШ ИСТИҚБОЛ

ИШ билан бандлик бўлимининг тахминларига кўра Минск шаҳри ва вилоятида яшовчи 240 минг киши бу йил ишсиз қолади. Асосан техник ва иқтисодий маълумотли мутахассислар, ўрта ва олий ўқув юртларининг битирувчилари меҳнат бозорида рақобатга бардош беролмай қолишлари мумкин.

ХАВФСИЗЛИК ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

МОСКВАДА Россия хавфсизлик вазирлиги органлари раҳбарларининг Бутунроссия кенгаши иш бошлади. Кенгашда ҳозирги шароитда контрразведка фаолиятининг ўзига хос масалалари, терроризм, коррупция ва контрабандага қарши кураш масалалари, шунингдек Россия жамияти манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа муаммолар кўриб чиқилади.

КИМЛАР ФУҚАРО БЎЛИШИ МУМКИН?

МОЛДОВАДА республика фуқаролигини олиш учун аризалар қабул қилина бошланди. Ўтган йили қабул қилинган «Молдова республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга кўра шу йил июль ойигача республиканинг бутун аҳолиси фуқаролик масаласини ҳал этиши керак. Республикага 1990 йил 23 июнгача келган, шунингдек Молдова ҳудудида туғилган барча аҳоли ва республикани бирон-бир сабаб билан ташлаб кетишга мажбур бўлган уларнинг авлодларига фуқаролик ҳуқуқи берилди.

ҲАР КИМ ҲАМ УЧОЛМАЙДИ

Эстонияда авиабилетларнинг нархлари ниҳоятда қимматлашиб бораётир. Март ойидан улар яна кўтарилмоқда. Ёнилғи етишмаётганлиги сабабли тайралар маълум вақт «дам олиб туришга» мажбур бўлган эди. Лекин уларнинг парвози тикланаётганлиги кўпчиликни қувонтирмаса керак. Эндиликда Таллиннданг Москвага учиш учун 1645 сўм тўлаш керак. Киевгача бўлган билет баҳоси 1930 сўм, Ригагача 570 сўм, Вильнюсгача 975 сўм туради. Тошкентга учиш энг қимматга тушади — билет нархи 6550 сўм.

ЯНГИ ФАРМОН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

РОССИЯ матбуот ва ахборот вазири Михаил Полторанин рўзномаларнинг бош муҳаррирлари билан учрашиб, президент Ельцининг матбуотга доир янги фармонини муҳокама қилди. Матбуот вазири айрим нашрларга энг қулай иш шароити яратиб берилар эмиш, деган миш-мишларни рад этди. Унинг сўзларига қараганда, фақат тижорат нашрлари ва беҳаё мавзуларда ёзувчи рўзнома ва ойномаларгагина давлатдан дотация берилмайди. Қолган ҳамма нашрлар тақдирини вазирлик эмас, балки Россия парламенти ва оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташкил топган жамоат кенгаши ҳал қилади.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ЁШЛАР — АСОСИЙ КУЧ

Вилоятимиз ноҳияларида мавжуд саноат комбинатларини кенгайтириш, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тобора кўпроқ амалга оширилмоқда. Чунки бу комбинатлар қишлоқ меҳнаткашларининг турли эҳтиёжларини, шу жумладан кенг истеъмол молларига бўлган талабларини қондиришда тобора салмоқли роль ўйнашлари керак. Шуни ҳисобга олган ноҳия саноат комбинатларида ташкилий-техникавий тадбирлар кўплаб амалга оширилмоқда.

Юқори Чирчиқ ноҳиясидаги Янгибозор саноат комбинати жамоасининг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Комбинат раҳбарлиги кейинги йилларда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга катта эътибор бермоқда. Шу туфайли янги-янги цехлар бирин-кетин фойдаланишга топширилянти. Бунда ноҳия меҳнаткашларининг турли хил маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларига алоҳида аҳамият билан қаралмоқда. Бу билан иккита муҳим муаммо ҳал қилинмоқда: ишлаб чиқариш ҳажми ортаянти, айни вақтда меҳнат қучоғига тортилмаган меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ишга жалб қилиш имкони туғилмоқда.

Комбинат маъмуриятининг бу хайрли йўлда амалга оширган ишлари, айниқса, ўтган йили жуда салмоқли ва самарали бўлди. Жамоа ўз маблағлари ва давлат баниларидан олинган қарзлар ҳисобига қатор янги ишлаб чиқаришларни барпо этди. Тўғри, бу бўлинмалар қуввати унчалик катта эмас. Лекин шунга қарамай уларда серталаб бўлган айрим буюмларни тайёрлаш ва бу билан ноҳия аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга муайян даражада кўмаклашиш мумкин бўлмоқда.

Ўтган йили дастлаб тикувчилик цехи ишга туширилди. Бу ерда қатор замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Уларни асосан ёшлар бошқармоқдалар. Цехда шахсий буюртмалар асосида турли хил кийим-кечаклар тикилмоқда. Гилам цехининг очилиши комбинатда катта воқеа бўлди. Албатта, уни барпо этишда муайян қийинчиликларга дуч келинди. Гилам тўқиш комбинат учун тамомила янги соҳа эди. Лекин улар тез орада бартараф этилди. Раҳбарият республикамиздаги қатор гилам ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ноҳияда ишлаб чиқарилган ва савдо шахобчаларига етказиб берилган кенг истеъмол моллари ҳажми 1 миллион 311 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Бу режада назарда тутилганидан 6,2 фоиз ортиқдир. Улгуржи нарх бўйича маҳсулот етказиб беришда ҳам катта силжиш бўлди. Режа 115,6 фоиз қилиб бажарилди ва қўшимча салкам 200 минг сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

М. МАҲМУДОВ.

барпо этишга катта эътибор бермоқда. Шу туфайли янги-янги цехлар бирин-кетин фойдаланишга топширилянти. Бунда ноҳия меҳнаткашларининг турли хил маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларига алоҳида аҳамият билан қаралмоқда. Бу билан иккита муҳим муаммо ҳал қилинмоқда: ишлаб чиқариш ҳажми ортаянти, айни вақтда меҳнат қучоғига тортилмаган меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ишга жалб қилиш имкони туғилмоқда.

Комбинат маъмуриятининг бу хайрли йўлда амалга оширган ишлари, айниқса, ўтган йили жуда салмоқли ва самарали бўлди. Жамоа ўз маблағлари ва давлат баниларидан олинган қарзлар ҳисобига қатор янги ишлаб чиқаришларни барпо этди. Тўғри, бу бўлинмалар қуввати унчалик катта эмас. Лекин шунга қарамай уларда серталаб бўлган айрим буюмларни тайёрлаш ва бу билан ноҳия аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга муайян даражада кўмаклашиш мумкин бўлмоқда.

Ўтган йили дастлаб тикувчилик цехи ишга туширилди. Бу ерда қатор замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Уларни асосан ёшлар бошқармоқдалар. Цехда шахсий буюртмалар асосида турли хил кийим-кечаклар тикилмоқда. Гилам цехининг очилиши комбинатда катта воқеа бўлди. Албатта, уни барпо этишда муайян қийинчиликларга дуч келинди. Гилам тўқиш комбинат учун тамомила янги соҳа эди. Лекин улар тез орада бартараф этилди. Раҳбарият республикамиздаги қатор гилам ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ноҳияда ишлаб чиқарилган ва савдо шахобчаларига етказиб берилган кенг истеъмол моллари ҳажми 1 миллион 311 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Бу режада назарда тутилганидан 6,2 фоиз ортиқдир. Улгуржи нарх бўйича маҳсулот етказиб беришда ҳам катта силжиш бўлди. Режа 115,6 фоиз қилиб бажарилди ва қўшимча салкам 200 минг сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

М. МАҲМУДОВ.

Суратларда: Фирдавс Хабибуллина (юқорида) тажрибали бичиқчи ҳисобланади. У цехда бу касб эгаларининг етакчиси сифатида обрў орттирган: шоли поясидан панно тайёрлаш касби сирасорларини тўқувчи Барно Аҳмедова ва Жонар Қулумбетовалар пухта эгаллашган; гилам цехи тўқувчилари А. Гарифуллина, Н. Эргашева ва Р. Абдураззоқовларнинг нозик ҳаракатларига ҳавасинг келади.

Суратқаш М. МАҲМУТОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

„СИГНАЛ“ ФИРМАСИ

Пойтахтдаги Тошкент Давлат дорилфунуни, Тошкент Давлат муаллимлар олий билимгоҳи, Автомобиль йўллари олий билимгоҳи, Техника дорилфунуни, Иқтисод дорилфунуни, Молия олий билимгоҳи, 1-2-Табобат олий билимгоҳлари, Табобат педиатрия олий билимгоҳи, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялашти риш муҳандислари олий билимгоҳи, Тошкент Давлат деҳқончилик дорилфунуни, Ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи, Шарқшунослик олий билимгоҳи каби олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентларни икки-уч танловли имтиҳон дастурлари бўйича ихтисослаштирилган.

ЯКШАНБАЛИК ТАЙЁРЛОВ ДАРСЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Айни пайтларда янги гуруҳларга қабул қилиш давом этмоқда. Тайёрлов дарслари асосан якшанба кунлари, кундузги пайтларда ўтказилади. Манзилгоҳимиз ҳам қулай жойда жойлашган. Бу эса Тошкент шаҳридаги ва айниқса, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи абитуриентлар учун сўзсиз катта қулайликдир.

Машғулотларни Тошкент олий билимгоҳларининг абитуриентларни олий ўқув юртларига тайёрлашда бой тажрибага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзодлари, доцентлар олиб боришади.

«Сигнал» фирмаси жамоаси тайёргарликнинг «сифати» ва «натижаси» учун моддий ва маънавий жавобгарликни ўз зиммасига олади, яъни бу жамоа ўз абитуриентларининг танловли кириш имтиҳонларини асосан «яхши» ва «аъло» баҳоларга топшириб, пировард натижада ўзлари танлаган олий ўқув юртларига кириб кетишлари учун қўлидан келган ҳамма ҳаракатларини қилади. Қўшимча равишда, айниқса, юқори қобилиятли ёки юқори баҳолар билан биздаги тайёргарликни ўтайдиган абитуриентларга, уларни тегишли олий ўқув юртларига қабул қилинишларининг кафолатини берувчи шартномаларни ҳам берамиз.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ

«Қабул қилиш ва тайёрлаш» манзилгоҳи Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 105-уй, 1-қават. Тошкент Совет савдо техникумининг ўқув биносида жойлашган (7, 24, 28-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати).

«Самарқанд» автостанциясидан бир бекат фарқ қилади.

Қабул вақти ҳар куни соат 9 дан 18 гача. Дам олиш куни — душанба.

ФИРМАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ КИТОБ

Салкам саксонни қоралаётган табаррук шифокорларимиздан Зикрилла Эгамбердиев айни вақтда яхши қаламкаш ҳамдир. Шу ёшда бўлишига қарамай бўш вақтини доимо ижодга бағишлайди. Кўп йиллик шифокорлик амалиётида учраган қизиқ воқеалар, урушда кўрган-кечирганлари, ҳаёт тажрибаларини қоғозга туширади.

Яқинда шифокор-ёзувчининг ўттиз бешинчи китоби босмадан чиқди. «Ўзбекистон»нашриёти туҳфа этган бу китоб «Узоқ умр кўрай десангиз» деб номланган. Шу вақтга қадар чоп этилган деярли ҳамма рисолалари қатори уни ҳам китоб дўконларидан тополмайсиз. Сабаби аввалгилари қатори оддий тилда, жонли, ҳаётий мисолларга бой қилиб оммабоп ёзилганлигидадир. Муаллифнинг аввалгилари чиққан бошқа ноёб ижод намуналари қатори бу асари билан ҳам Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш давлат музейида кўриб танишиш мумкин. Бу ерда унинг 8 та миниатюраси ҳам бор. Улар жумҳуриятимизнинг «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», «Фан», Ғафур Ғулом номли, «Ёш гвардия» ва бошқа нашриётларида чоп этилган. Умуман шифокор-ёзувчи Зикрилла Эгамбердиев ҳаёти ва ижоди билан муфассал танишмоқчи бўлганлар бу ерга ташриф этиши мумкин. Чунки унга музейнинг ҳарбий залида алоҳида стенд ажратилган.

Муаллиф ўз рисоласида кексаларни ҳаётда фаол қатнашишга даъват этиб, уларни қариликдан чўчимасликка, тушкунликка тушмасликка чақиради. Шу жиҳатдан «Узоқ умр кўрай десангиз» асарида келтирилган қуйидаги мисоллар диққатга сазовордир. Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ўзи ҳақида: «Менинг миям айниқса олтмиш-етмиш ёшлар орасида жуда равшан ишлайди» дер эди. Совет олимлари Карпинский (89 ёшда), Гамалея (91 ёшда), Морозов (93 ёшда) вафот этгунларигача тиниқ фикрлаб келганлар. Суқротнинг устози Георгий 107 ёшга киргунча илм ва фан билан шуғулланиб келган. 90 ёшли Микеланжело ва Тициан ажойиб расмлар, саксон ёшли Верди опера, 74 ёшли Гёте эса «Фауст»ни (2-қисми) яратган.

Юқорида зикр қилинган кексаларнинг ишчанлик сири уларнинг ҳаётга интилиб, кашандаликдан нари юришлари ва ҳаракатда бўлишларидандир. Ҳаракатда барақат бор, деб бежиз айтилмаган, дея хулосалайди китоб муаллифи.

Биз «Тошкент ҳақиқати»нинг узоқ йиллардан бери доимий мухбири бўлиб келаётган собиқ ҳарбий шифокор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Зикрилла ака Эгамбердиев ўзининг ибратли ҳаёт тарзи билан ана шу кишилар қаторида туради, дея оламиз.

С. МУСАЕВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

«ЎКИНЧ» МАҚОЛАСИ МУШТАРИЙЛАР МУҲОКАМАСИДА

Маълумки, рўзномамизнинг шу йил 18 январь сонида Чиноз район кенгашининг собиқ раиси Эргаш Собировнинг «Ўкинч» сарлавҳали мақоласи босилган, муаллиф унда ўзининг ноҳақ айбланиб, маломатга қолганлигини баён этган эди. Ушбу мақола юзасидан муштарийлардан жуда кўп хатлар олдик.

Бугунги кунда рўзномалар турли хил қарашлар, фикрлар қарама-қаршилиги майдонига айланди. Кўпдан кўп ақл чиқади, ҳақиқатни ойдинлаштириш осонлашади. Биз ҳам одамлар ўз фикрларини билдиришар, Эргаш Собировнинг қандайлигини ўзлари айтишар, деган мақсадда унинг мақоласини чоп этган эдик.

Қуйида мақола юзасидан муштарийлардан келган айрим хатлар мазмуни билан танишасиз.

СОБИРОВ ҲАҚ

Муҳтарам муҳаррир! Рўзномада босилган «Ўкинч» сарлавҳали мақола менга ниҳоятда таъсир қилди. Иложи бўлса, ёзганларимни ёритсангиз, сиз ҳам, биз ҳам одамийлик қилган бўлардик.

Касбим иқтисодчи, район хўжаликларида ўттиз уч йил бош бухгалтер, ўрмон хўжалиги вазирлигида, район матлубот жамиятида тафтишчи бўлиб ишлаганман. Эргаш Собировни район комсомол комитетида ишлаган пайтидан биламан. Лекин ўзи билан бир дастурхон устида чой ичмаганмиз, фақат орқаворотдан ёшлигида ниҳоятда қаттиқчилик кўриб ўсганини эшитгандим. Қарангки, оддий деҳқон боласи тиришиб-тирмашиб ўқиб, юқори мартабаларга эришибди.

Э. Собировни енгил машиналарни нотўғри тақсимлаган деган айб билан вазифасидан бўшатишгани бизни ҳайратга солган эди. Шахсан ўзим Э. Собировнинг қўлидан бундай қинғирликлар келишига ишонмадим. Чунки мен кўп бухгалтерлар билан суҳбатда бўламан, уларнинг бирортасидан ижроқўмнинг собиқ ранси ҳақида ножўя гап эшитганим йўқ.

Мақолада ҳақ гаплар ёзилибди. Ҳақиқатан ҳам Эргаш Собиров ўзини аямай ишлаган, хўжаликларнинг иқтисодини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган.

Жалол ЭШМУРОДОВ,
Чиноздаги «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигида яшовчи меҳнат фахрийси.

УКИНМА, ЎГЛИМ

Районда ёмон одат бор: чиноблик чиноблиги кўролмайди, юқорига кўтарилса оёғидан тортади. Шу боис қанчадан қанча иқтидорли мутахассисларимиз узоқларда ишлаб юришибди. Энди ўзимиздан етишиб чиққан райижроқўм раисини йиқитдик, пашшадек айбини филдек қилиб, шов-шув кўтардик.

Мен кўнгли яримта одамман, ёлғиз фарзандим афғонда ҳалок бўлди. Кексайганингиздан кейин қўлингиздан бир иш келмас экан. Зора ёрдам беришса деб, райижроқўмга бордим. Эргаш Собиров дардимни эшитиб, ота, янги уйингизни шу йил, октябрь ойида бепул битириб берамиз, деди. Айтганидек, 3-4 ойда янги уйга кўчиб кирдим. Ҳали-ҳали Эргаш ўғлимни дуо қиламан, худо кам қилмасин, дейман.

«Тошкент ҳақиқати»да Э. Собировнинг «Ўкинч» сарлавҳали мақоласини ўқиб, изтиробга тушдим, наҳотки шундай кишининг бошига оғир савдоларни солишган бўлса, деб ажабландим. Албатта, иш бор ерда хато бўлади, бу дунёда ҳеч ким ўзини юз фоиз фаришта ҳисобламайди. Лекин хатоларни дўстона кўрсатиб, масалаларни биргаликда ҳал қилиш мумкин эди-ку.

Эргаш ўғлим, бу дунёни биркам дунё дейдилар. Бугун сени тан олмасалар, четга чиқариб қўйган бўлсалар, эртага ёруғликка чиқарсан, ҳақиқат ойдинлашар. Шунинг учун асло ўкинма.

М. СОБИРЖОНОВ,
«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми фахрийси.

КЎНГЛИМДАГИЛАРНИ ЕЗДИМ...

Муҳтарам муҳаррир!

Мен «Тошкент ҳақиқати»нинг доимий ўқувчиси бўлганлигим учун сизга ушбу мактубни йўллашга жазм қилдим.

Мен Э. Собировни 1963 йилдан бери биламан. У комсомол қўмитасининг иккинчи, сўнгра биринчи котиблиги, район партия комитети йўриқчиси, бўлим мудири, иккинчи котиблиги даврида жуда яхши фаолият кўрсатди. Ўзи ўта саводхон, ўзбек ва рус тилларида бир ҳилда иш олиб боради, ажойиб маърузалар ёза олади.

Э. Собировдан олдин М. Абдукаримов ўзининг камтаринлиги, самимий ва адолатлилиги туфайли раислик лавозимида 9 йил ишлаганди.

Эргаш Кенжабоевич, Сиз мақолангизда «Мен бирор кишига ёмонлик қилганим йўқ, бировга ноҳақ жабр қилганим йўқ», дебсиз. Лекин сиз раисликка сайлангангингиздан бир ҳафта кейин ижроқўмнинг ажойиб ходимлари — рус ва ўзбек тилларида бир ҳилда иш олиб борадиган ташкилий бўлим мудири Зайниддин Назаров, умумий бўлим бошлиғи Гулчеҳра Аҳмедоваларни ноҳақ жазоладингизку! Чунки улар сиздан кучлироқ, ҳаққоний эдилар, ҳамма қарор ва фармойишлар шуларнинг қўлидан ўтарди. Сиз ҳутилиш учун уларни ишдан бўшатдингиз. Умумий бўлим мудирлигига бир оғиз ўзбекчани билмайдиган рус аёлини, бир ой ўтмасдан маданият бўлими мудири А. Ориповнинг ўрнига А. Левинни қўйдингиз. Н. Белкина эндигина сиртдан 2-курсда ўқирди, сиз уни олий маълумотли деб, бирор сайловчи танимайдиган округдан район кенгашига депутатликка ўтказдингиз, ўзбек тилини билмаса ҳам район ижроия комитети масъул котиблиги вазифасини бердингиз.

Енгил автомашиналар тақсимлаш борасида Э. Собиров ўз айбини инкор қилиб, бутун гуноҳни район режа комитети раиси Тўлаган Эргашевга ағдарди. Ҳолбуки у раисдан беруҳсат иш қила олмасди.

Бегуноҳ қамалган, «марказ»нинг ғазабига гирифтор бўлганлар ҳозир оқланмоқда, лекин Э. Собировга ўҳшаганлар марказликларнинг тазйиқига эмас, аксинча «марҳамат»ларига эришдилар, амалга миндилар. Эндиликда беҳуда ўкиниш дан бирор мақсад бормикин?

Шарифхон АШРАПОВ,
район ижроия комитети собиқ масъул котиби, шаҳар кенгаши депутати, шахсий пенсионер.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз юқоридаги мактубларни мутлақо шахсий фикр сифатида деярли таҳрирсиз эълон қилмоқдамиз. Мактубдаги гаплар, даъволарнинг нечоғлик ҳаққонийлиги муаллифларнинг виждонига ҳавола.

Муҳокама давом этади. Юқорида айтганимиздек, рўзнома-фикрлар қарама-қаршилиги, ўзаро тортишувлар минбари. Лекин ёзаётган, айтаётган ҳар бир сўзимиз, айбномаларимиз ортида тирик инсон тақдири турганлигини унутмаслигимиз зарур. Бундан ташқари, ҳаётда ноҳақ зарбаларга учраган замондошимизнинг аёвсиз изтироблар гирдобида яшаётганлигини эвқланиб тамоша қилишга одатлансак, йиқилганни тепиб ўтсак, келгуси авлод бизнинг қайси фазилатимизни ўрганади, ўрнак олади?

Инсон хато қилмасдан яшай олмайди. Бейб — парвардигор дейдилар. Бир-биримизни шундай пайтда қўлламасак, суямасак инма деган одаммиз ахир?

Биз Э. Собиров мақоласини ёритиб, энг муҳими — одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни тикламоқчи, «тошотар»ларни инсофга чақирмоқчи эдик. Ҳалиям шу фикрдамиз. Келинг, мақола атрофида мулоҳаза юритиш баҳонасида ота-боболаримизнинг ибратли фазилатлари, миллий қадриятларимизни тиклайлик, бир-биримиз билан қўлимизни қўксимизга қўйиб саломлашайлик. Ахир, биз мустақил Ўзбекистонда яшаяпмиз, тилимиз ҳам, муомаламиз ҳам ўзбекона бўлиши керак.

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳининг жамоаси умумий тилшунослик кафедрасининг доценти Ш. З. Қориева отаси Зиёд ҚОРИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Қибрай ноҳияси матлубот жамиятлари уюшмасининг жамоаси шу ташкилот бошқарув ҳайъатининг раиси ўртоқ П. М. Мавлонхўжаева онаси Робия САРИМСАХЎЖАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Истиқбол» ташқи савдо, ишлаб-чиқариш тайёрлов фирмаси жамоаси Қибрай ноҳияси матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарув ҳайъатининг раиси ўртоқ П. М. Мавлонхўжаева волидаси Робия САРИМСАХЎЖАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Истиқбол» ташқи савдо, ишлаб-чиқариш тайёрлов фирмаси жамоаси шу фирманинг бош директори жаноб Х. М. Абдураҳмоновга волидаси Муаззам ТОЛИПБЕКОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 30579 нусха босилди.